



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 92 (12.905)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЛОНДОНДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИНГ ЯКУНЛАРИГА БАФИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонасида Ўзбекистон Президенти сайловининг якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия ижтимоий-сиёсий ва илмий академик доираларининг вакиллари ҳозир бўлди.**

Тадбир чоғида мамлакатимизда ўтказилган ушбу сайлов Ўзбекистоннинг келажак учун катта тарихий аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Унинг якунлари республиканинг бозор иқтисодиёти асосидаги ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини куриш йўлида янада раванг топишга содиқлигини таъкидлади. Сайловлар Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий фаоллиги юксак эканлигини кўрсатди. Ўз-ўзидан аёнки, улар мамлакатда олиб борилаётган изчил ислохотлар йўлини қўллаб-қувватладилар. Брифингда сайлов жараёнини кузатиш учун Ўзбекистонга борган Бирлашган Қироллик вакиллари мамлакатимизда олган таассуротлари ва фикр-мулоҳазаларини тадбир иштирокчилари билан ўртоқладилар.

Жумладан, **Марказий Осиё бўйича Кембриж форумининг раиси, профессор С. Саксена** сайловлар куни мамлакатимизнинг Бухоро вилоятидаги сайлов участкаларида ўз миссиясини бажарганини маълум қилди. — Овоз бериш жараёни юксак даражада ташкил этилди, — дея баёнот берди у. — Халқаро ташкилотлар миссиялари ва бошқа халқаро кузатувчилар томонидан берилган юқори баҳолар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Сайловчилар Ўзбекистонда қўлга киритилган рўй-рост ва аниқ-равшан муваффақиятларга асосланиб, мамлакатининг келажакда ҳам барқарор ривожланишда давом этаётганга ишонган ҳолда ўз хоҳиш-иродаларини билдиришди.

Шунингдек, Ўзбекистонда академик доиралар вакиллари билан учрашишга ҳам муяссар бўлдим. Айниқса, ўзбек талабалари билан бўлиб ўтган суҳбатлар менда катта таассурот қолдирди. **Британия — Ўзбекистон жамияти раисининг ўринбосари, доктор Ширин Акинер** ўз чиқишида тадбир иштирокчилари эътиборини Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган муваффақиятларига қаратди. Унинг фикрича, ана шу ютуқлар билан жаҳон ҳамжамиятини янада кенгрок таништириш зарур.

— Миссиям доирасида қатор ўқув муассасаларида, шу жумладан, таълим жараёнида инглиз тилида олиб

бориладиган Турин политехника университети ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти сингапур Тошкентдаги хорижий олий ўқув юрталарининг филиалларида бўлдим, — деди Ш. Акинер. — Талабалар билан мулоқот чоғида уларнинг дунёқараши кенглигини, ижодий салоҳияти катта эканлигини пайқаш сира қийин эмас эди. Ўзбек талабаларининг келажакда алоқадор режалари, рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги мулоҳазаларидан ҳам билдимки, улар ўз мамлакатининг изчил ривожланиши давом этиши учун сайловда юксак даражасида тўғриси билан қатнашдилар.

Тадбирдан сўнг «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида **Британиядаги «Pathfinder Trade and Investment» компанияси раиси ва бош ижрочи директори Майкл Томас** ҳам мазкур сиёсий тадбир ташкилий жиҳатдан ва мазмунан жуда муваффақиятли кечганини айтди.

— Биз сайловчиларнинг юқори даражадаги фаоллигига гувоҳ бўлдик, — деди у. — Мамлакатининг фуқаролари билан суҳбатлашган чоғида мамлакатининг олий таълим тизимида Британия андозаларига ўхшаш жиҳатлар кўпчилиги, шунингдек, ўзбек талабалари британиялик тенгдошларидан асло қолишмаслигига амин бўлдим.

— Мен Ўзбекистонга Президент сайловини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш мақсадида бордим, — деди «**Earth Times**» онлайн-газетаси муҳаррири **Давид Армстронг**. — Сайлов юқори даражада ташкил этилди. Шу ўринда овоз бериш жараёни рақобатчилик руҳида кечганига, холислик ва шафқатлик муҳитида ўтганига гувоҳ бўлганимни қайд этишни истар эдим. Ислом Каримовнинг ушбу сайловдаги ғалабаси унинг давлат раҳбари лавозимида ишлаган кезлари мамлакатда қўлга киритилган муваффақиятларнинг эътирофи этилигидан далолат беради.

«**Жаҳон**» АА.  
Лондон

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

## ГЎЗАЛЛИК ВА МУСАФФОЛИК МАНБАИ

**Халқимизда «Саранжом-саришта жойда файзу барака мўл бўлади», деган ҳикмат бор. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларидан мақсад ҳам, аввало, ҳудудларимизнинг обод ва ораста бўлишига эришиш, экологияни янада яхшилашдан иборат.**

Юнусобод туманида фаолият юритаётган «Пойтахт наставин гуллари» масъулияти чекланган жамияти ноёб кўчат навларини кўпайтириш ва иқлим шароитимизга мослаштириш борасидаги фаолияти билан ана шундай хайрли юмушларга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Корхонанинг 36 сотидан ортиқроқ майдонида факорги мавсум учун салкам йигирма турдаги гуллардан 400 минг дона кўчат тайёрланди. Бу гуллар туманлардаги ободонлаштириш бошқармалари, мактабга таълим муассасалари, мактаблар, маҳалаларга буюртма асосида етказиб берилмоқда.

Корхонага борганимизда гулчиларнинг қўли-қўлига тегмай меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўлдик. Харидорлар ҳам навбат билан келиб шартнома асосида тайёрланган гулларни олиб кетишмоқда. Улар орасида Олмазор туманидаги ташкилот ва корхоналар ховлисининг дизайни билан шуғулланувчи «Осиё нур универсам» масъулияти чекланган жамиятининг вакиллари ҳам кўрдик. Улар композиция қилиб экиш учун оч сариқ ва тўқ сариқ рангдаги «Пагетис» ниҳолларидан 800 дона харид қилишди.

— 2011 йилдан буён Голландия, Германия ва Бельгиянинг йирик фирмалари билан ҳамкорлик қилаётимиз, — дейди корхона директори Махбуба Рихсиева. — Биз улардан ўзимизга керакли навларнинг уруғларини оламиз. Сўнгга кўчат етиштирамиз. Ўзим агроном бўлганим учун қайси уруғ қанча вақтда униб чиқишини яхши биламан. Масалан, «петунья» 15 кунда қўқарса, «пагетис», «қўқонгул» кабилар бир ҳафтада униб чиқади. Ана шу ҳисоб-китоблар туфайли биз баҳорга тайёргарликни январдан бошлаймиз. Йўқса, шошиб қолишимиз ҳеч гагмас. Албатта, ҳар бир ўсимликнинг ўзига хос табиати ва парваришlash тартиби мавжуд. Шу боис, улар даҳрат кўчатларини кўпайтиришда унинг иқлим шароитимизга мослиги, гуллаш даври ва рангига алоҳида эътибор қаратилади. Ўттизга яқин киши иш билан таъминланган корхонада ниҳолларнинг илдиэларини чиришдан ва зараркунданлардан асраш, уларнинг яхши ўсиши учун маҳаллий ўғитлар биогумус, торф каби озуқалар билан бойитилиб, озиклантирилади.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Ташаббус – 2015» кўрик-танловининг Нукус шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида анъанавий ўтказиб келинаётган «Ташаббус» танлови кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, миллий хунарманчилик анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

• Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармаси томонидан бир гуруҳ фахрийларга Президентимиз номидан «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали тантанали топширилди.

• Андижонда «Ёш чеғарачилар» республика ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Хўжабод тиббиёт коллежининг «Ватанпарвар» жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

• Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Бўстон академик лицейида «Мутахассислигинг – сенинг келажакинг» мавзусида архитектура ва курилиш соҳасининг тарихи ва тараққиёт истиқболларига бағишлаб ўтказилган тадбирда соҳа мутахассислари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

• Хоразмда вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида одам савдоси ва унга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

• Жанубий Африка Республикасида топилган ва ишлов берилган ҳажми 100 каратли ок бриллиант Нью-Йоркда ўтказилган Sotheby's аукционининг ким ошди савдоларида рекорд даражадаги нарҳда — 22 миллион долларга сотилди. Жуда кам учрайдиган ушбу санъатнинг шох асарини сотиб олган кишининг номи маълум қилинмаган.

• 2015 йилнинг биринчи чорагида жаҳон бўйича алюминий ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,5 фоизга ўсди. Ушбу махсулотни ишлаб чиқариш борасида Фарбий, Марказий ва Шарқий Европа, Осиё, Океания ҳамда Форс кўрғазми давлатлари ижобий натижага эришди. Африка, Шимолий ва Жанубий Америкада эса пасайиш қайд этилган.

• Токио полициясининг хабар беришича, бутун жаҳон бўйлаб 82 мингга яқин компьютерлар Интернетда банк операцияларини амалга ошириш чоғида пул эгасининг маблағларини фирибгар-қаллоблар ҳисобига автоматик тарзда ўтказадиган вирус билан зарарланган. Маълумотларга қараганда, ушбу вирус «юққан» компьютерларнинг қарийб ярмиси Японияда. Vawtrak номини олган янги вирус банк операцияларини амалга ошириш чоғида фойдаланиладиган бир мартали паролни ўғирлайди ва тўловларни бошқа ҳисоб рақамига ўтказди.

## «Expo Milano 2015»

## ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ ЖАҲОН КЎРГАЗМАСИДА

**Аввал хабар қилинганидек, 1 май куни Италиянинг Милан шаҳрида «Expo Milano 2015» жаҳон кўргазмаси очилади. Унда мамлакатимиз ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этади.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида сановат тармоқлари изчил модернизация қилинаётгани, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги оширилаётгани натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалиб бормоқда. Ўзбекистон жаҳон бозорига замонавий машина ва техникалар, кийим-кечаклар, тайёр ипа-газламалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, курилиш материаллари каби кенг турдаги товарларни етказиб бераётди. «Made in Uzbekistan» ёрлиги туширилган бу маҳсулотлар юксак сифати билан хорижликларга манзур бўлмоқда, жаҳон бозоридан кенг ўрин эгалламоқда.

Мамлакатимиз маҳсулот ва хизматларини чет эллик харидорларга танитиш, экспорт жўғрофиясини кенгайтиришда халқаро кўргазма ва ярмаркалар муҳим омил бўлмоқда. Жаҳон кўргазмаси ўз номи билан дунёдаги энг йирик савдо форумидир. Беш йилда бир марта ўтказилиши, олти ой давом этиши ҳам унинг нуфузи ва қамровидан далолат беради.

Бу йилги кўргазмада қарийб 150 мамлакатдан мингдан ортиқ компания иштирок этиши, унга 30 миллионга яқин киши ташриф буюриши кутилмоқда. Мазкур форум иқтисодиётнинг барча замонавий йўналишларини қамраб олади. У ерда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги-

ни таъминлаш ва уларни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияларига оид ўнлаб бўлимлар очилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ Жаҳон кўргазмасида катта тайёргарлик кўрилди. Мамлакатимиз тарихи ва тараққиёти, халқимиз маданияти ва санъатини ўзида мужассам этган Ўзбекистон миллий павильони яратилди. Павильон материалларини Милан шаҳрига етказиш ва барпо этиш учун зарур ташкилий-молиявий ишлар амалга оширилди.

Кўргазмада мамлакатимиз иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат сановати, маданияти ва миллий таомларига оид тўртта бўлим ташкил қилинади. Уларда юртимизнинг ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, транспорт ва логистика хизмати кўрсатиш соҳаларидаги салоҳияти намойиш этилади. Бунинг учун етакчи сановат корхоналари, ташқи савдо компаниялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, турли ва-зирлик ва идоралар жалб этилган. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Озиқ-овқат сановати корхоналари уюшмаси, Кичик бизнес ва хусусий

Ирода УМАРОВА,  
ЎЗА МУХБИРИ

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ги Қонуни негизда ишлаб чиқирили, ўтган 23 йиллик тараққиёт, босқичма-босқич олиб борилган кенг қамровли, пухта ўйланган ислохотлар ва тўпланган бой ҳаётий тажрибалар асосида такомилга етказилган 5 боб ва 31 моддадан иборат «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги Қонуни 2014 йил 4 декабрда матбуотда эълон қилиниб, шу кундан эътиборан кучга киритилди.

Фуқароларнинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига, халқ вакиллари ёки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш идораларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи Конституцияимизнинг 35-моддасида ва «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузганидан хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Мустақил Республикаимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида 2014 йил қандай муваффақиятли яқунланган бўлса, 2015 йил ҳам ана шундай ютуқлар билан бошланди. Республикаимиз иқтисодиёти дадил одимлар билан ривожланиб бораётган экан, иқтисодиётнинг бундай суръатларда тез ўсиши халқимиз, Ўзбекистон аҳолиси турмуш фаровонлигининг ошишида ўзининг ижобий таъсири билан мустаҳкам бўлган. Халқимиз тўқ ва фаровон яшамоқда, юртимизнинг тинчлиги, оқилоланиши сақланмоқда. Тинчлик, оқилоланиш ҳукмрон бўлган юрtdaгина, одамларда бунёдкорлик ишларини амалга оширишга рағбат пайдо бўлади. Халқимизнинг қадри кўтарилмоқда, кадриятлари тикланмоқда.

Ёшларимиз эндиликда ўзбек халқининг нафақат ўтмиши, авлод-аждоғлари буюк бўлганлигини, балки, унинг бугуни ва эртаси ҳам нурафшон экани, бугунги куннинг баркамол авлод вакиллари ҳар соҳада муваффақиятларга эришиб, қандай кучга, билимга, иқтидорга, салоҳиятга эга эканликларини жаҳонга кўрсатиб қўймоқдалар. Улар спортда, санъатда, билимда ҳамда одоб-ахлоқда, маданиятда қанчалар юксакларга интилаётганликларига дунё аҳли гувоҳ бўлиб турибди. Эндиликда ўзбек фарзанди дунёнинг манаман деган халқларининг ёшлари билан беллашишдан чўчимай, улар билан тенгма-тенг майдонга тушмоқда.

Ватанимиз ҳар бир жабҳада тараққиётга эришмоқда, дунё ҳам-жамиати олдида юксак обрў-эътиборга сазовор бўлмоқда. Дунё аҳли Ўзбекистонни, ўзбек халқини тобора таниб бормоқда, унинг куч-қудратига, салоҳиятига, улугворлигига тан бермоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 31 миллион 500 минг нафарга эди. 1991 йил Ўзбекистонда инсон умри 67 йилни ташкил этган бўлса, ҳозирда эркекларнинг умргузалорлик даври, яъни умр кечиришлари ўртача 73 ёшни ташкил этмоқда, аёлларимизда эса 75 ёшни ташкил этмоқда.

Кечагина иқтисоди фақатгина қишлоқ ҳўжалигига асосланган, аграр, қолақ муствамлака ўлкадан, аниқроғи, «Қизил империя» давлатига қарам ва унинг бир бўлаги бўлган ўлкадан, иқтисоди ривожланган, қудратли санаотга асосланган, иқтисодий жиҳатдан бақувват, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ўз чегарасига, давлат тилига, гербига, мадҳиясига, байроғига ва ўз Президентига эга бўлган мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилганлиги Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси қалбини фохр-ифтихорга тўлдиради.

Яқин ўтмишда, тоталитаризм даврида бизга паст назар билан гўё иккинчи даражали боқиманда халқ сифатида қараганлар, эндиликда жуда кўплаб соҳаларда ривожланишининг жаҳонга машҳур «ўзбек модели»нинг беш тамойилини тан олмақдалар ва мазкур модель билан қизиқмоқдалар, уларни ўрганиб ўзларига мос бўлган қодаларини ўзлаштирмоқдалар.

Республикаимиз мустақилликка эришган дастлабки кундан бошлаб, унда яшовчи ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш — бош вазифалардан бири қилиб белгиланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб белгилаб қўйилган.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз юқоридаги принципдан келиб чиққан ҳолда Халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ барча халқаро ҳужжатларга: актлар, декларациялар, конвенциялар ҳамда пактларга аъзо бўлиб қўйилган.

Инсон ҳуқуқларининг ҳимоси ва эркинликларини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили(Омбудсман)нинг Минтакавий вакиллари институти алоҳида ўз ўрнига эгадир. Уларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги жойларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳар томонлама, ҳолисона кўриб чиқишда ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 2003 йил 28 августдаги 798-11-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2003 йил 2 декабрдаги 820-сонли қарорига асосан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар Минтакавий вакилигиди мана ўн икки йилдирки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида самарали фаолият кўрса-

тиб келмоқда. Шу ўтган давр мобайнида вакилик томонидан фуқароларнинг 2650 га яқин турли мазмундаги мурожаатлари кўриб чиқилди.

Фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) Тошкент шаҳар минтакавий вакиллик фаолиятининг асосини ташкил этди. Бу эса фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига мурожаат қилишга доир конституцион ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминлайди.

2014 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Тошкент шаҳар минтакавий вакилигига фуқаролардан 231 та мурожаат келиб тушди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги 124 та мурожаат назоратга олиниб, минтакавий вакилик томонидан атрофлича ва пухта ўрганиб чиқилди. Шулардан 29 таси ижобий ҳал этилди, 95 тасига тушунтириш хатлари берилди.

Кейинги вақтларда Омбудсманнинг Тошкент шаҳар минтакавий вакилигиди қабулига мурожаат қилаётган фуқароларнинг сони кўпайиб бормоқда. Бу — шаҳар аҳолисининг минтакавий вакилик фаолиятининг хабардорлиги ва унга ишончи ортиб бораётганлиги, уларнинг ижтимоий фаолиги ошаётганлигидан далолат берса, бошқа томондан давлат тузилмалари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида ҳали-ҳамон муаммоли ҳолатлар мавжудлигини ҳам кўрсатмоқда.

Жойларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда йўл қўйилаётган сансалорлик ҳамда ўрганиш ҳаракатларининг тўлиқ олиб борилмаётгани, шунингдек, тегишли идора мутаасдиларининг ўз ваколатлари даражасида етар-

ли чора-тадбирларни кўрмаётгани ҳолатлари фуқароларнинг Омбудсман идораларига мурожаат қилишларига асос бўлмоқда.

Минтакавий вакилик қабулида бўлаётган фуқаролар айрим масалалар бўйича ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари камситилаётганлиги, уларнинг қонуний талабларини ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан расмиятиликка ва масъулиятсизликка йўл қўйилаётганлигидан, баъзи мансабдор шахсларнинг хизмат мавқеини суиистеъмол қилаётганликларидан шикоят қилмоқдалар.

Фуқароларнинг мурожаатлари мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда минтакавий вакилик томонидан ишчи гуруҳлари тузилиб, жойларга чиқиб ёки ариза муаллифлари ҳамда ишбу ишга алоқадор юридик шахслар вакилларини вакиликка таклиф этиб ўрганиш билан бирга, кўриб чиқиш ва ҳал этишда ёрдам беришни сўраб тегишли идораларга юборилмоқда.

Жумладан, Юнусобод тумани, Оқтепа 5-тор кўчаси, 6-уйда яшовчи фуқаро И.Хусанов ва бошқалар қувурлардан газ ўтмай қолганлиги сабабли кўчаларга халқасимон тарзда газ қувурлари ўтказиб беришни сўраб «Тошкентшаҳарга» филиали ва шаҳар ҳокимиятига қилаётган мурожаатлари бежавоб қолаётганликларидан норози бўлиб минтакавий вакиликка мурожаат қилди. Ариза устида ишлаш натижасида «Юнусободтумангаз» идораси томонидан кўчага 160 м. узунликдаги халқаланган газ қувурлари ўтказиб берилди. Аризачи И.Хусанов минтакавий вакиликка келиб муаммоларини ҳал қилишда кўрсатилган ёрдам учун кўча аҳолиси номидан Тошкент шаҳар минтакавий вакилигига миннатдорчилик ихор этди.

Тошкент Давлат техника университети энергетика факультети 4-босқич талабаларининг университети ҳамда «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси ўртасида малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича тузилган шартномага асосан контракт ўтлов амалга оширилмаётганлиги сабабли талабаларнинг яқиний рейтинг назоратига қатнашилари тўхтатилганлигидан хавотирланиб қилган мурожаатлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси ёрдамида ўрганиб чиқилди. Аризани ижобий ҳал этиш юзасидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида 2013-2014 ўқув йилида талабаларнинг ўқишларини ташкил этиш учун «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси томонидан 450,6 миллион сўм тўлов амалга оширилди.

Минтакавий вакилик қошида жамоатчилик асосида иш олиб бораётган эксперт гуруҳи ҳамда ҳамкорлик битимлари тузилган ташкилотларнинг ишчи гуруҳлари аъзолари ҳам фуқаролардан келиб тушаётган ариза ва шикоятларни атрофлича ўрганиб, қонуний ҳулосага келишда яқиндан ўз ёрдамларини бериб келмоқдалар.

Юртбошимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2012 йил 16 мартда бўлиб ўтган йиғилишида, фуқароларнинг мурожаатлари

институтининг муҳимлиги ҳақида «Ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жомати турибди, улар кимнингдир арз-доди, керак бўлса дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Бу масалалар бўйича биз қанча лоқайд ва бетараф бўлиб юрсак, одамларнинг норозилиги шунча кўпаяди», дея алоҳида таъкидлаган эдилар.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш — мансабдор шахсларнинг нафақат хизмат бурчи, балки уларнинг конституциявий мажбурияти ҳамдир. Мазкур мажбуриятнинг бажарилишига қараб мансабдор шахсларнинг сиёсий саводхонлиги, қанчалик билимга эга эканлиги ҳамда унинг умумий ва ҳуқуқий маданияти тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиш мумкин. Мансабдор шахслар шикоятларни ҳолисона ва ўз вақтида текширишлари, ноконуний қарорларни бекор қилишлари, нотўғри хатти-ҳаракатларга тўсиқ қўйиш чора-тадбирларини кўришлари, қоидабузарликларга олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлашлари шарт, уларнинг иш сифатлари айнан шулар билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 14 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг 2014 йил 11 декабрдаги 20-сонли фармойиши ижросини, амнистия актининг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ва қарорни қўллаш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш мақсидида 2014 йилнинг 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли Тошкент шаҳридаги УЯ 64/1 тергов ҳибсхонасининг 125 та маҳкумларига нисбатан сенаторлар, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Тошкент шаҳар минтакавий вакилигиди, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Тошкент оқшоми» газетаси тахририяти, «Тошкент» телеканали, Тошкент шаҳар прокуратураси, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди вакиллари ва бошқалар иштирокида амнистия актини қўллаш масалалари ҳал этилди.

2014 йилнинг 7-8 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ҳамда ЕХХЕнинг Ўзбекистондаги лойиҳалаш Координатори ташкилотчилигида «Омбудсман институти фаолияти механизмини такомиллаштириш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда минтакавий Вакил Ш.Мухамеджанов, бош мутахассис А.Абдураҳмонов, эксперт гуруҳи аъзоси Ш.Маманбаевлар иштирок этдилар.

Шу сингари, минтакавий вакилик ходимлари ҳамда экспертлари 2014 йил мобайнида 23 дан ортиқ юқоридеги каби тадбирларда, жумладан давра суҳбатлари ҳамда семинар-тренингларда фаол иштирок этдилар.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўша мажлисидаги нутқларида давлатимизнинг келажаги ҳақида тўхталар эканлар, демократик ислохотларни тезлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш бугунги кунда энг долзарб вазифага айланаётганлигини таъкидладилар. Президентлик лавозимини бажаришга киришар эканлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 92-моддасига кўра, Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қаролат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантили қасамёд қилдилар. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг қафилдир.

Ҳақиқатан ҳам муҳтарам Юртобшимиз таъкидлаётганлиги, мамлакатимизда демократик тамойилларни янада ривожлантириш долзарблигида қолмоқда. Зеро, мустақил мамлакатимизда демократияга асосланган ҳуқуқий давлат қуриш жараёни жадаллашмоқда. Шунинг учун ҳам юртимизнинг асосий бойлиги — ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уни жамиятимизнинг фаол қурувчисига айланатириш, муаммоларини ҳал этиш асосий вазифадир.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз жойида атрофлича текшириб ҳолисона қарор қабул қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилса, жисмоний ва юридик шахсларнинг иккинчи марта юқори органларга, яъни такрорий мурожаат қилишининг олди олинади ҳамда мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларда шу жамиятдан қониқиб, розилик, мамнунлик хисси кучаяди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтакавий вакилигиди эндиликда Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси 14-уйда фаолият кўрсатиб келмоқда. Телефонлар: 232-10-25, 233-91-77, 239-05-57.

Шумурод МУҲАМЕДЖАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтакавий Вакили

Жасорат, бурч, матонат  
ҲАР БИРИНИНГ ИСМИ БОР...

Пойтахтимиздаги Хотира майдони шу кунларда ҳар қачонгидан гавжум. Табаррук масканга пойтахтимиз ва турли вилоятлардан келувчиларнинг қадами узилмайди. Бу табаррук масканга қадам қўйган ҳар бир инсон, аввало, нақшинкор айвонлар ичида жило таратиб турган Хотира китобларини арақлаб, бугунги тинч, фаровон кунларимиз учун жонини фидо этган баболаримиз номини ёдга олади.

Президентимиз Ислоом Каримов ташаббуси билан 1999 йилда барпо этилган ушбу зиёратгоҳ мамлакатимизда инсон, унинг қадр-қиммати бебаҳо қадрият сифатида эъзозланишини яна бир бор тасдиқлади. Хотира майдонини Мотамсаро она хайкали қад ростлаган. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик жангчиларнинг исм-фамилияси, туғилган йили, жойи битилган «Хотира китоби» ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 16 мартдаги Фармонида мувофиқ архив ҳужжатлари, уруш йилларида эълон қилинган материаллар, хат ва бошқа манбалар асосида яратилган, Ўзбекистоннинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган улкан ҳиссаси, жасур аждодларимизнинг уруш жангоҳлари ҳамда фронт ортда қўрқатган қаҳрамонликлари ҳақида ҳўқия қилинадиган ўзгирт олти жилдан иборат «Хотира китоби» ушбу майдондаги хотира ёдгорлигини яратишда асосий манба бўлди. Ушбу ёдгорлик орқали Ўзбекистондан Иккинчи жаҳон урушига кетиб, фронтда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган тўрт ўз ўғли минг нафардан зиёд юртодшимизнинг номи абдийлаштирилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Хотира китоби»ни яратишда ўқувчиларга барча қулайликларни яратишда асосий эътибор қаратилган. Китобда вилоят ва туманлар тартиб билан, алифбо тарзида берилган. Олтин рангда товланувчи ҳар бир китоб ва унинг саҳифасига исм-фамилиялар кўзга кўринарли тарзда зарҳал харфлар билан ўйиб ёзилган. Бу жараёнда автоматик усулдаги замонавий технологиялардан фойдаланилганлигини унинг сифатини таъминлаш, манбаларни келгуси авлодларга асл ҳолига етказишга хизмат қилмоқда.

— «Хотира китоби» миллий андозлар асосида барпо этилган айвонда жойлаштирилганда ўзига хос рамзий маъно бор, — дейди Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, ганчкор уста Абдураҳим Умаров. — Зеро, айвон миллий мейморчиликнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, ҳовлилардаги бундай кенг, шинам, соя-салкин айвонларга бутун оила аҳли жамулжам бўлиб, бир дастурхон атрофида тўпланиши гўёки катта шодийнани эслатади. Хотира майдондаги айвонларни барпо этишда халқимизнинг шундай қадриятларини намоян этишга асосий эътибор қаратилган.

Хотира майдони йил бўйи ўзгача тароват таратади. Бир вақтлар бу ерда Иккинчи жаҳон урушида кўрбон бўлганлар хотираиға «Номаълум аскар» ёдгорлиги ўрнатилган эди, — дейди тарихшўнос олим, «Нуроний» жамғармаси фаоли Муборак Юнусқўжаева. — «Номаълум» — умидсизлик дегани. Бу урушдаги йўқотишлардан қалби яра бўлган халқимизнинг дардига дард қўшарди. Қолаверса, «Номаълум аскар» деган тушунчанинги ўзи галати. Ахир ҳар бир инсоннинг исми, фамилияси бор. Мунг шукри, адолат қарор топти. Президентимиз Ислоом Каримовнинг ташаббуси билан урушда кўрбон бўлган ҳар бир юртодшимизнинг номи аниқланди ва «Хотира китоби» орқали абдийлаштирилди. Утганлар руҳини шод этиш, тириклари қадрлаш, ексаларга эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 26 мартдаги фармойишига кўра жорий йилда Хотира ва қадрлаш кўни «Жасорат, бурч, матонат» шиори остида нишонланмоқда. Зеро, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртодшимизнинг жасорати ҳеч қачон унутилмайди, уларнинг Ватанимиз ва халқимиз олдидаги бурчи муқаддас билгани бугунги авлод учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Б.ХИДИРОВА,  
ЎзА муҳбири

ГўЗАЛЛИК ВА МУСАФОЛИК  
МАНБАИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳўжаликда етиштирилаётган турли гўл қўчатларининг аҳолига етказиб берилишини кенгайтириш мақсидида кўргазма-савдо дўкони ташкил этилган. Хариддорлар йиғирма турдаги ранг-баранг хонаки гуллар орсидан узлари ёктирган гўл қўчатларини қизиқиб билан харид қилиб, хонадорларда кўқартирмоқдалар.

— Хона шароитида парваришланадиган гуллар ўз хусусиятига кўра, ёруғлики севуви ва соясевар бўлади, — дейди ҳўжалик ишчиси Нафиса Юнусова. — Сув танқис, шўр тупроқли ҳовлиларга замижкулук, қактуснинг турли навларини, соя жойларга лавр, сингония, фломендерон, агломема каби манзарали гўл қўчатларини экиш фойдалидир.

— Гул — гўзаллик, азгулик рамзи, — дейди Озода Ҳайдарова. — Мен жамият гулхонасидан геран гулининг қўчатларини харид қилдим. Бу гўл хавони жуда яхши тозалайди. Ундан уйингизда уч-тўрт дон парвариш қилсангиз, тоғларга чиқишга ҳожат йўқ, дейиши мутахассислар.

— Онам уйда гўл етиштиришни жуда ёқтирадилар, — дейди Қамрон Ҳакимов. — Уларга ноёб, чиройли гулларни тез-тез совага қилишга ҳаракат қиламиз. Ҳозир ҳам оилам билан ота-онамни кўришга бораётгандик, катта тувалда ўсган барги жуда чиройли, кўркам алоқазая гулини харид қилдим. У онамининг гул коллекциясини янада бойтади.

Ҳар бир гўл ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, алоқ ўзининг дориворлиги орқали томоқ, милк, ошқозон касалида яхши фойда қилса, бегониянинг ўндан ортиқ тури бўлиб, уларнинг гули иштахан очади. Табиий гўзаллиги билан неча асрлардан бери инсониятни ўзига мафтун этиб келаётган олтин мўйловнинг новдаси бош, оёқ оғриғига яхши фойда қилади. Хуансетиянинг кўзда гуллаб ёзгача қипқизил бўлиб туриши хайратланарлидир.

Айни пайтда жамият гулчилари тупроқ танламайдиган, кўрғоқчиликка чидамли гуллар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу эса келгусида шахримизда табият мусаффолигини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Зиёда ВОҲИДОВА  
Ислоом Исмоилов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори илмий-педагогик ишларимизни янада ривожлантиришга ва ўқувчи-ёшларнинг тамаддунинг юқори босқичига чиқишига замин ҳозирлайди.

Абу Райҳон Бериуний номидаги Тошкент Давлат техника университетига ҳам устоз-шогирд тизими асосида махсус билим ва кўникмалар орқали интеллектуал салоҳияти юқори бўлган, иқтидорли талабаларни аниқлаб, илмий ёшларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни тайёрлаш ва жорий этиш ишлари «Ёшларнинг инновацион голяри» ва «Янги авлод олимлари» марказлари орқали амалга оширилмоқда.

Қарийб ўн йил давомида ўтказиб келинаётган «Инновацион голяри» технологиялар ва лойиҳалар Республика ямаркасида профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда ёш олимлар, тадқиқотчи-изланувчилар ва икки юзга яқин иқтидорли талабалар ўзларининг инновацион ишланмалари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, талабалар орасида Президент стипендияси соҳиблари, республика...

**«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури орқали амалга ошириладиган чет тилларда ўқитишнинг комплекс тизими, айтиш мумкинки, уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни тарбиялашда республиканинг жаҳон ҳамжамияти билан шу соҳа бўйича интеграциялашувига асос бўлади. Ўқув муассасаларида дарсларни замонавий педагогика ва компьютер технологиялари асосида ташкил этишни оммалаштириш, лаборатория машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган қурилма ва асбобларни янгилаш бу борадаги ишлар кўламини янада жонлантиради.**

ри фаолият юритмоқда ва уларнинг илмий салоҳияти 43,8 фоизни ташкил этади. Шунингдек, ўқув муассасамизда ўндан ортик Халқаро грантлар, инновацион лойиҳалар, Еврокомиссия ва (GIZ) лойиҳалари, ўқув грантлари бажарилмоқда. Ўтган 2014 йилда олимла-

Жумладан: ёқўлги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминловчи техник қурилмалар ҳамда энергия ресурсларни тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини яратиш ва ишлаб чиқиш борасида изчил ишлар олиб бориш.

Минерал хом ашё ресурсларини излаб топиш, қазиб олиш, қайта ишлаш ва оқилона ишлаштиришнинг юқори технологик усуллари, мамлакатимиз санаятида ақлий меҳнатни талаб қиладиган самарали технологияларни яратиш, ер ости бойликлари ва ресурсларидан рационал фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, ахборот ва телекоммуникация технологияларини кенг ривожлантириш ва жорий этишни таъминлайдиган замонавий ахборот тизимлари, бошқариш ва ўқитишнинг интеллектуал воситалари, маълумотлар базаси ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, ўқув масканимизнинг бош мақсадидир.

Биобарин, илгор технологиялар назарияси ва амалиётини ривожлантириш, материалшунослик технологияси машинасозлик мажмуаси бўйича янги технологияларни яратиш, авиация техникаси, конструкция ва технологияларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишлаштириш самарадорлигини ошириш, биотехнология, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, янги технологияларни яратиш ва лойиҳалаш ишлари ҳам шулар жумласидандир.

Бугунги кунда ёшлар ҳаёти ва тафаккури ўзига хос янги ҳаётга яшашга, замонавий инсон бўлишига интилишни кучайтирмоқда. Бу эса истиқлолимиз пойдевори, истиқболимиз равақидир.

**Равшан САЙДАҲМЕДОВ, Абу Райҳон Бериуний номидаги Тошкент Давлат техника университети ректори, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутаты**

**Таълим**

**ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР ҚАМРОВИ ОШМОҚДА**

римиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 34 та ихтиро учун патент ҳамда ЭХМ дастур маҳсулотларининг рўйхатдан ўтганлиги ҳақида 10 та гувоҳнома олинган ҳамда 24 та интеллектуал мулк маҳсулотлариға меъёрий ҳужжат олиш учун топширилган талабномалар Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг расмий экспортрасидан ўтган.

Юртбошимиз маърузасида илгари сурилган концептуал аҳамиятға молик голяри университетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ўрганилиб, мавжуд 637 академик гуруҳларда ахборот ва мураббийлик дарслари, давра суҳбатлари орқали тарғиб қилинмоқда. Жорий Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам университетимиз истиқболдаги вазифалар қамровини янада юксалтиришни мақсад қилган. Ватанимиз равақи учун илмий-техникавий салоҳиятни, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини юксалтириш мақсадида бор интеллектуал имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодийнинг қуйидаги устувор йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш кўзда тутилади.



**Ўзбек халқ мақоллари дунёдаги бошқа халқлар орасида бўлгани каби хилма-хиллиги, ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Халқимиз томонидан қўлланиладиган ҳар бир мақол ҳаёт тажрибасидан ўтган, замонлар оша синовларға бардош берган сўз санъати намунаси ҳисобланади.**

**ҲАЁТИМИЗ ҲАМРОҲИ**

Халқимиз томонидан мақолларнинг сўзға хусн берувчи, фикрни тушуниб олишни осонлаштирувчи, унинг таъсирчанлигини оширувчи восита сифатида таърифланиши ҳам бежиз эмас. Шунинг учун ҳам мақол одамлар нутқида ҳар доим ҳамроҳ бўлиб келган. Кимки уни қўп ишлатса, ўшанинг нутқини ширали дейдилар.

Мақолда ўша халқнинг тарихи, урф-удуми, турмуш тарзи, феъл-атвори, руҳияти, кўйинги, бутун борлиги акс этади. Шу сабабли мақоллар бадиий адабиятда, яъни шеър ва достонларимизда, ҳикоя ва романларимизда қўп ишлатилади. Маҳмуд Қошғарий, Гулжаний, Алишер Навоий ва бошқа улуг аллоларимиз асарларидан ўрин олган ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳамжихатлик, мардлик, вафодорлик каби хислатлар мақоллар воситасида янада гўзал ифода топган. Масалан, Гулжанийнинг «Зарбулмасал» асарида 400 дан ортик мақол келтирилган.

«Эй ўғил-қизларим, тилға эҳтиёт бўлинглар! Киши дилини огритадиган, кўнглини қолдирадиган, иззат-нафисға тегадиган, ор-номуси, шаънини оёқ ости қиладиган сўзни ҳеч сўзламанглар. Ҳамма вақт ширин сўз бўлинглар. Оғизларингиздан доимо яхши, маънили сўз чиқсин. Чунки тилдан етган озор найза озоридан ёмон» — деб тарбия қилишди фарзандларни ота-боболаримиз. Ана шундай ўғитлар қисқа ва лўнда тарзда «Одамни бор қиладиган ҳам тил, йўқ қиладиган ҳам тил» мақолида ўз ифодасини топган.

Ҳамма ёшлигида бувижонларидан қизикари хикमतлар, эртақлар, мақоллар эшитган. Эшитмаган болажоннинг ўзи бўлмаса керак. Бувимнинг бир ҳикояси ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бир подшо ўз вазираға: «Дунёдаги энг мазали гўшдан қабоб қилиб келтиринг», — деди. Боши қотиб, ўйлини ўтирган ота-

сини кўрган қизи ундан бунинг сабабини сўрабди. Сабабини билган: «Шунга ҳам шунча ташвиши, битта кўйини сўйдиринг, тилини қабоб қилиб олиб боринг, гуноҳор қилса, мен қафил», — дебди. Подшо гўштни еб, «Энди энг аччиқ гўшдан қабоб қилиб келтиринг», — дебди. Буни эшитган қиз отасиға қараб: «Яна бир кўйини сўйдиринг-да, тилини қабоб қилиб олиб боринг», — дебди. Вабир қизининг айтганини қилиб, подшонинг олдиға киритган экан, подшо «Қилган ишингиз жойида, бу сизнинг яхши билимдон эканлигингиздан далолат беради», — дебди. Шунда вабир: «Тақсир, гуноҳимдан ўтсангиз, тўғриси айтиш», — дея жавоб берибди ва подшоға унинг топшириғини бажараётганда қимнинг маслаҳатиға қулоқ тутганини айтибди. Шунда подшо вабирнинг қизини қаҳиринг унға савол берибди: «Қизим, нима учун тилин ҳам ёмон, ҳам яхши гўшлар қаторида санадингиз?» Шунда қиз: «Подшоҳим, қизининг бошиға яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам тилдан келади», — деб жавоб берган экан.

Бу ҳикоянинг мазмунида одамлар, оилалар, мамлакатлар ўртасидаги низо-ларнинг мунозара юритиш йўли билан ҳал этилишининг тил билан боғлиқлиги уқтирилган. Бизга устозларимиз бу мақолларнинг ҳар бирида ҳаёт-мамот масалалари акс этганини таъкидлаб, табиати гўзал, бағрикенг одамғина эл орасида хурматта сазовор бўлишини қайта-қайта таъкидлашади.

Халқ мақоллари ота-боболаримиздан сизу бизға қолган битмас-туганмас хазинадир. Мақол бутун умримиз давомида ҳамроҳ бўлиб келади. Мақолни мушоҳада қилиб айтган ҳар бир гапирган галнимизнинг салмоғи ошиб, сермазун, таъсирчан, кескир бўлади. Эл орасида обрўйимиз юксалади.

**Фотимахон ХУСЕЙНОВА**

**Мушоҳада**

**ЎЙГИТЛИҚДА ЎЙГ ИЛМНИНГ МАҲЗИНИ...**

— Келинг, синглим, сизбопидан бор, сифатли, чет элники, мана қаранг...

Қиз ўзига гапирётган ёшгина йигит, унинг қўлидаги матоҳға бир қаради-ю, қизаринқираб нари кетди. Аёллар ички кийим-кечаги савдоси билан шўғулланаётган бу йигитнинг овози таниш туюлиб, яқинроқ бордим. Не кўз билан кўрайки, қўшни университетда ўқийдиган синфдошим Бехзод. Ундан ҳол-аҳвол сўраган бўлдим-да, «Ўқитилгани қалай?» дея аънавий савол бердим.

— Ҳа, бир нави, сессияда, имтихон топширсам бўлди-да, унғача етарли пул йиғиб олишим керак, — деди Бехзод саволимни малол олгандай. — Ҳар замонда бир кўриниб турибман. Одам дунёға бир марта келади, юраманинг стипендияға қараб, давр келганда ўйнаб қолиш керак. Қизлар, кино, зиёфатлар дегандай.

— Ахир ота-онанг ўғлим ўқияпти деб, пул жўнатаяпти-ку?

— Э, менға қара, насиҳат қилгани келганмисан, ёшлик даврини суриб қолиш керак, билдингми? «3»ми, «4»ми баҳо билан сессияларни ёпиб, диплом олсак бўлди-да. Бор, ишингни қил, ўзингға қарасангчи, эгингнинг қўйлагинг эскилигидан сарғайиб кетибди-ку ўқимишли! Ҳатто, китоб олиб ўқишга ҳам пулинг йўқ, шуми ўқиш?! Бунақада сенға қизлар ҳам қарамайди!..

Ўйлиниб қолдим. Бу фақат Бехзоднинг сўзлари эмас эди. Нима учундир талабаларнинг айримлари шундай фикрлайдиган бўлиб қолишган. Ҳа, талаба — олтин давр. Уни беҳудаға ўтказмаслиқ керак. Мана шу «беҳуда» сўзини нега нотўғри тушунадиган бўлиб қолди. Ахир боболаримиз «Йигитликда йиғ илмнинг мағзини» деганлариди, эзгу маънони кўзда тулмаганларми? Ҳукуматимиз иқтидорли, салоҳиятли кадрлар тайёрлаш учун барча имкониятларни яратаётган бир пайтда, баъзи ёшларимиз масъулият ҳиссини йўқотиб қўймаптиларми? Аждодларимиз игна билан кудуқ қазишдек мушкул иш — илм олиш учун очликни-да, қашшоқликни-да, дарбадарликни ва мусофирликни енгган. Ҳозирги кунда илм оламида юлдузға айланиси керак бўлган ёшлар баъзан нима учун тор ўйлайдилар. Тўғри, меҳнат айб эмас, аммо бизға умид кўзи билан қараб турган давлатимиз, она юртимиз келажаги учун вазифамиз — биринчи навбатда ўқиш эмасми? Бугун номиниға ўқиб, енгил-елли

йўллар билан топган пули эвазига вақтичўғлик қилаётган, қимматбаҳо кийимлар кияётган, асосий вақти кинотеатрлару қаҳвахоналарда ўтаётган талаба эртаға малакали мутахассис бўлиб етишишға, она юрт иқболли деб аталмиш иморатни қуришға қодирмикан?!..

Тўғри, зарурат, етишмовчилик юзасидан ҳам ўқиб, ҳам ишлаётганлар оз эмас. Бироқ бу ўқишдан йироқлашиб кетиш, номиниғагина диплом олиб қўйиш, дегани эмас-ку. Бундай диплом эғасидан қанақа муҳандис, корхона раҳбари, ўқитувчи ёки шиқокор чиқади? Иқтисодийни бошқаришни билмайдиган, ўз кучи ва иқтидорига, билимиға эмас, чўнтагидаги пулиға таяниб ўрганган инсон (гарчи унинг олий маълумот тўғрисидаги дипломи бўлса ҳам) нимани қўйиллата олади?

Бу сўзларим билан талабаларнинг меҳнат қилишини қораламоқчи эмасман. Ҳалол меҳнат — танға роҳат. Бировнинг ерини ағдариб, юқини ташиб, томини суваб бериш, пешона терини тўқиб пул топиш — савоб. Бироқ енгил йўллар билан пул топаётган талабани ўқиш, билим олиш учун сарф қилнаётган давлат маблагининг уволи тутмасмикан? Яхши яшашға ҳаммининг ҳам ҳаққи бор дейсизми? Айтингчи, устингиз ҳамамдор либослар билан бут бўлса-ю, шуурингизда илм хазинаси бўлмаса, чиройли кўғирчоқдан фарқингиз қолайди-ку! Кўғирчоқ эса эрмақдан бошқасиға ярмайди. Унинг эғаси кўнглиға урган кучи кўғирчоқни тоқчасиға олиб кўяди ёки ташлаб юборади.

Кўз олдингизда билим ва иқтидори билан юксак поғоналарға кўтариладиган дўстингиз, сабоқдошингиз эришаётган даражалар нарҳоти сизни қизиктирмасми? Бировлар хизматини қилишдан кўра, билим, ақл ва илм талаб этадиган кўрйк-танловлар, мусобақалар голиби сифатида муқофотланиш — илм йўлини танлаган киши учун фахрли эмасми?

Дўстим, сизнинг олийгоҳдаги ўринингизни эғаллаш учун йиллаб талаба бўлиш орзусида юрганлар ҳам йўқ эмас. Билиб қўйинг, бугун сиз пухта билиминг калбингиз меҳварига жо этсангизгина, етти олам хазиналари оёқ остингизға тўшалади. Акс ҳолда, ўқиш жараёнидаги умрингиз, ота-онангизнинг орзу-ниятлари — барча-барчаси қуйиб қолаваради.

**Элдор АКРОМОВ**

**ТОШКЕНТ КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИДА УЧРАШУВ**

**Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган бир гуруҳ Жанубий кореялик экспертлар мамлакатимизда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) линияси бўйича амалга оширилган лойиҳалар билан танишмоқда.**

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2007 йил KOICA билан ҳамкорликда пойтахтимизда ташкил этилган Касб-ҳунар таълими маркази фаолияти билан танишди.

Учрашувда бугун Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ва меҳнат бозорини янада кенгайтириш шароитида қисқа вақт ичиди юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлаётган таълим муассасалариға эътибор ортаётгани таъкидланди. Тошкент шаҳридаги Касб-ҳунар таълими маркази улардан биридир.

Бу ерда туман ва шаҳар бандликқа кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари йўналмалари бўйича ҳар йили етти юзга яқин ёшлар бепул ўқитилмоқда. Улар бу ерда зарур касбни эғаллаш, мамлакатимиздаги етакчи корхоналарда доимий иш билан таъминланаётди.

Касб-ҳунар таълими маркази директори Равшан Иброҳимовнинг айтишича, машинасозлик ишлаб чиқариши ва технологиялари, электроника ва электротехника, автомобилларни таъмирлаш ва уларға техник хизмат кўрсатиш, ахборот тизимлари ҳамда технологиялари каби муҳим йўналишларда кадрлар қайта тайёрланмоқда.

Таълим муассасасида ўқиш муддати 10 ой бўлиб, ўқув дастури ва жараёнида назария учун дарслар умумий вақтининг 35 фоизи, қолган қисми эса корхоналарда амалиёт ўташ учун ажратилган. Кейинчалик мазкур корхоналар олдиндан тузилган уч томонлама шартномаға мувофиқ, ўқувчиларни доимий иш билан таъминлайди. Иштирокчиларни муваффақиятли топширган марказ битирувчилариға таълим йўналиши ва иқтисослиги кўрсатилган касб-ҳунар таълими тўғрисида сертификат берилади.

Машғулотлар зарур ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган замонавий ўқув хоналарида ўтилмоқда. Вилоятлардан келган ўқувчилар учун 100 кишиға мўлжалланган ётоқхона мавжуд.

Марказда 24 ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими устаси ўқувчиларға таълим бермоқда. Шунингдек, бу ерда KOICA агентлигидан юқори малакали 8 кўнгилли мутахассис фаолият кўрсатмоқда.

Жанубий Корея экспертлари марказнинг моддий-техник базаси билан ҳам танишиб, дарсларда иштирок этди, ўқувчилар, ўқитувчилар ва кўнгилчилар билан суҳбатлашди.

— Ушбу Касб-ҳунар таълими маркази фаолияти мисолида KOICA линияси бўйича Корея Республикаси ва Ўзбекистон ҳамкорлиги салмоқли натижалар бераётганиға гувоҳ бўлдик, — дейди Корея Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурига ҳўкумат сийасатини мувофиқлаштириш бошқармаси вакили Пак Жан-Хо. — Келгуси йили ўзаро ҳамкорликнинг иқкинчи босқичини амалға оширишни мўлжалламоқдамиз ва шу боис бугун Ўзбекистонда кўша лойиҳаларининг амалға оширилишини ўрганмоқдамиз. Таъкидлаш жоизки, айна пайтда Самарқанд шаҳрида ҳам шундай марказ барпо этилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп йиллик стратегик муносабатлар бундан бунён ҳам изчил ривожланишиға ишонамиз.

**Сардор ТОҶИЕВ, ЎЗА муҳбири**

**ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан физика-математика фанининг замонавий усуллари ва уларнинг тадқиқларига бағишланган республика илмий анжумани бўлиб ўтмоқда.**

Унда ёш олимлар, мутахассислар, катта илмий ходим-изланувчи ва магистрантларнинг илмий изланишлари атроғлича муҳокама этилмоқда.

Мамлакатимизда физика-математика фанининг устувор йўналишлари бўйича илмий дастурларни амалға ошириш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ёш олимларни соҳаға жалб қилиш, етук мутахассислар билан алоқаларни йўлга қўйиш борасида салмоқли ишлар амалға оширилмоқда.

— Бугунги кунда республикамизда олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот салоҳиятини кучайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, олий таълим мазмун-моҳиятини такомиллаштириш ва соҳаға иқтидорли ёшларни жалб этишға катта эътибор қаратилмоқда, — дейди ЎЗМУ механика-математика факультети профессори Шокир Қосимов. — Ушбу анжуманда физика-математика фанининг замонавий муаммолари, уларнинг тадқиқлари бўйича олинган илмий натижалар ҳамда мазкур соҳанинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилиниб, соҳа мутахассислари ўзаро фикр алмашмоқда.

**Ноҳира РЎЗИЕВА, «Туркистон-пресс»**


Юнусобод туман «РОУТАХТ» адвокатлар хайъати жамоаси адвокат

**Азадахон САТВАЛДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг фарзандларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Юнусобод туман «РОУТАХТ» адвокатлар хайъати жамоаси адвокат Бахтиёр Каримович Маматовға падари бузруквори

**КАРИМЖОН отанин**г вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Элдор АКРОМОВ**



Ислом Исмаилов олган суратлар

**Спорт янгиликлари**

**Қозғоғистоннинг Алмати шаҳрида шахмат бўйича А.Булекпаев соврини учун блиц турнир ўтказилди.**

**ҲАМШАҲРИМИЗ МУСОБАҚА ҒОЛИБИ**

«Дебют» шахмат клуби томонидан ташкил этилган мусобақада ҳамюртимиз Антон Филиппов (2453) ҳам иштирок этди. 19 нафар иштирокчи қатнашган турнирда тўртинчи рақам остида таснифланган халқаро гроссмейстеримиз 9 им-

кониятдан 7,5 очко жамғариб, мусобақа ғолибига айланди. Кучли учликдан Евгений Пак (7 очко, 2446) ҳамда Қозғоғистон аёллар терма жамоаси бош мураббийи Павел Коцур (6 очко, 2536) жой олди.

**ПЕШҚАДАМЛИК УЧУН КУРАШ**

**Пойтахтимизда шахмат бўйича 18 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони қизгин давом этмоқда. Тўққиз турдан иборат турнирда 100 нафарга яқин шахматчи баҳслашмоқда.**

Чемпионатнинг 16 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўтказилган етти тур натижаларига кўра, хоразмлик Нодирбек Ёқуббоев 6 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Шунча очкога эга қашқадарёлик Абдусалимов қўшимча кўрсаткичлар бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Самарқандлик Армен Арутюнян 5 очко билан кучли учликда бормоқда.

Ўн саккиз ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида тошкентлик Олег Артеменко мағлубиятсиз дона сурмоқда. Иқтидорли шахматчи олтига партиядан сўнг 5,5 очко жамғарган ҳолда мусобақада етакчилик қилмоқда. Тошкент вилоятидан Алишер Бекмуродов ва фарғоналик Музафаржон Эминжонов Олгандан бир очкога ортада бормоқда.

Ушбу ёш тоифасидаги қизлар баҳсида пойтахтлик Баҳора Абдусатторова етти партиядан барчасини ғалаба билан яқунлаб, ғолибликка даъвогарлик қилмоқда. Иккинчи ва учинчи ўринларни 5,5 очко билан пойтахтлик Светлана Чайкина ва 5 очко билан хоразмлик Нилуфар Ёқуббоева эгаллади.

Қизлар баҳсида дастлабки икки ўринни водийлик шахматчилар банд этди. Фарғоналик Нодирабегим Парпиева олтига имкониятдан олти очко жамғариб, пешқадамлик қилаётган бўлса, андижонлик Исмигулбону Тожибоевада 4,5 очко бор. Самарқандлик Гулжаё Нарзикулова 4 очко билан учинчи ўринни эгаллаб турибди.

**Б.АЙТМУРОДОВ**

**САБИНА ШАРИПОВАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ**

**Қарши шаҳрида теннис бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Сабина Шарипова барча рақиблари устидан зафар қучиб, бош совринни қўлга киритди. Ҳал қилувчи беллашувда россиялик Ксения Ликинани икки сет натижаларига кўра 6-2, 6-3 ҳисобида мағлуб этди.**

Қизик жиҳати, Сабина Шарипова Қаршидаги турнир давомида фақат россиялик теннисчилардан устун келди. Спортчимиз дастлаб Екатерина Яши-

нани 4-6, 6-3, 6-0, иккинчи даврада Любовь Васильевани 6-1, 6-3, чорак финалда Валентина Ивахненкони 6-2, 6-4, ярим финалда эса тур-

нирда тўртинчи рақам остида ҳаракат қилган Анна Прибиловани 7-5, 7-5 ҳисобида мағлубиятга учратди.

**Абдулазиз МУСАЕВ**

**Н.НАСРИЕВ, ЎЗА МУХБИРИ**

**ЗАВҚҚА ТЎЛГАН КЎНГИЛЛАР**

**Пойтахтимизда Мурувват уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ўртасида оммавий спорт ўйинлари ўтказилди.**

Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада эллик нафарга яқин тарбияланувчи иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жисмоний имконияти чекланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, паралимпия ҳаракатини ривожлантириш орқали уларнинг жамиятга фаол интеграциялашувини таъминлаш, иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Спорт ўйинлари доирасида «Арқон тортиш», «Оқ теракми, кўк терак» каби миллий ўйинлар, «Баҳор фантазисси» мавзусида расм чизиш ва варрак учиртиш танловлари ўтказилди. Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари ва «Ором» мусиқа ва рақс гуруҳининг чиқишлари иштирокчиларга завқ улашди.

Мазкур аънавий тадбир алоҳида эҳтиёжли болаларнинг имкониятларини юзага чиқаришга қаратилгани билан аҳамиятlidir, дейди Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси ижрочи директори Наврўза Йўлдошева. — Мақсадимиз бу каби хайрли ишларни давом эттириб, жамиятда соғлом ҳаёт муҳитини қарор топтириш.

Тадбир якунида тарбияланувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

(ЎЗА)

**Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шўхрати музейида спортимиз фахрийлари – бокс бўйича жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинлари совриндори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Руфат Рисқиев ва бокс бўйича қатор нуфузли мусобақалар ғолиби Абдулла Қодирхонов билан учрашув бўлиб ўтди.**

**ФАХРИЙ СПОРТЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ**

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети ва Олимпия шон-шўхрати музейи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, талабалар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, халқаро майдонларда иқтидор ва салоҳиятини кенг намойён этишида муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида яратилган кенг имкониятлар тўғрисида спорт миллионлаб ёшларнинг сеvimли машғулотига айланди. Иқтидорли ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, улар халқаро миқёсдаги нуфузли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этмоқда. Юртимиз спортчилари жаҳон ва

қитъа чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинларида юқори кўрсаткичларга эришаётди.

Ҳозирги ёшларга ҳавас қиламан, — дейди Руфат Рисқиев. — Спорт билан шугулланман деган йигит-қизнинг орзуларини рўёбга чиқариш учун барча шароит ва имконият бор. Бундан ёшларимиз унумли фойдаланиши зарур.

Учрашувда фахрий спортчилар ёшларга ўз фаолияти, спортда эришган натижалари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Бу каби учрашувлар фахрий спортчиларимизнинг ютуқларидан ибрат олиб, бугунги шароитларнинг қадрига етишга ундайди, — дейди Тошкент давлат юридик университети талабаси Незматжон Абдазов. — Биз, ёшлар юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан бор куч ва билимимизни юрт равнақи учун сарфлашимиз лозим.

(ЎЗА)

**«101» ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК**

Масалан, айни кунларда содир бўлаётган ёнгинларнинг аксарияти газ ва электр ускуналарида фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик натижасида келиб чиқмоқда. Кундалик ёнгинлар таҳлили ҳам шуни тасдиқламоқда. Биз фуқароларимиздан ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишларини, доимо хушёр бўлишларини сўраб қоламиз.

Ёнгинларнинг зарари биз ўйлаганимиздан кўра кўпроқ. Жумладан, турли плёнка қолдиқлари, баклажжалар, яроқсиз буюмларнинг ёниши ва туташидан ҳавога жуда

кўплаб канцероген газлар тарқалади. Бу газ билан заҳарланган ҳаводан нафас олиш эса йигирмадан ортиқ, касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади. Афсуски, ходимларимиз томонидан қатор ибратли ишлар олиб борилаётганлигига қарамай, турли сабабларга кўра ёнгинлар содир бўлмоқда.

Улар соғлигимизга, фарзандларимиз келажагига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун эса ҳар бири-миз ёнгинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол курашимиз зарур.

**А. ХУДОЙБЕРДИЕВ, 12-ХҲХО 26-ХҲХК кичик инспектори, сафдор**

**Тадбирлар**

**САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК**

**Тошкент Тиббиёт академиясида айрим ёшлар томонидан лоқайдлик, бепарволик ортидан содир қилинаётган жиноятлар ва уларнинг салбий оқибатларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

Тадбир «Қамолот» ЁИХ талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан шаҳарча ҳокимлиги, шаҳарча ИИБ билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Бугун юртимиз тобора чирой очиб бормоқда, ёшларга берилган имтиёзлар тизими янада такомиллаштирилиб, келажак авлодларга қўллаб имкониятлар яратиб берилган бир пайтда баъзи ёшлар ўртасида кўринишдан арзимас бўлса-да, келгуси ҳаётига катта тўсиқ бўлувчи жиноятларнинг содир этилиши энг аввало ота-она, ака-уканинг қаддини букиб қўяди, — дейди «Қамолот» ЁИХ талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси З.Саъдуллаев. Давра суҳбати давомида ёшларимизга тўғри ҳулоса чиқариб, атрофга доим диққат билан назар солиб, ҳеч қачон лоқайдликка, бепарволикка берилмаслик уқтирилди.

Тадбирда ёшларнинг одам савдоси қурбони бўлиши, уларнинг ўз ҳуқуқларини билмаган ҳолда жабрланиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган ҳар бир маҳалла, таълим муассасалари, талабалар турар жойларида тизимли равишда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилинаётгани айтиб ўтилди. Албатта, буларнинг бари эртанги кунимизнинг эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яхши яшаш учун шароитлар яратиш, таъши таъсирлардан ҳимоя қилиш ва соғлом муҳитни яратиш борасидаги имкониятлар эканлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида мисол сифатида келтириб ўтилган айрим жиноятлар ва уларнинг фожиавий тарзда қандай яқун тоғгани ҳар бир талаба-ёшни сергак бўлишга ундайди.

**Зиёда РАСУЛОВА**



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: 233-28-95; факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 455

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11431 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Боснига топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ